Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 7-may, payshanba, № 57 (3562)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

Мишель КАЗАЧКИН:

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТ СОҲАСИДА ҲАМ УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДА

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон фтизиатрлари ва пулмонологларининг VIII съезди якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон фтизиатрлари ва пулмонологлари илмий-тиббиёт жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда йигирмага яқин мамлакатдан беш юздан зиёд олим, шифокор ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Съезднинг шўъба мажлислари, давра суҳбатларида мамлакатимиз ва дунёда фтизиатрия ҳамда пулмонология соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директорининг махсус вакили Хайк Никогосян, Москва пулмонология илмий-тадқиқот институти директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Александр Чучалин, "Medecins Sans Frontieres" ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Андреас Брундер ва бошқалар мазкур съезд Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари аҳолисига кўрсатилаётган ихтисослашган тиббий ёрдамни янада яхшилаш, мутахассис ва шифокорларнинг билимини ошириш, фтизиатрия ва пулмонология соҳасида халқаро илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш, фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда Мингйиллик мақсадларига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус элчиси Мишель Казачкин. — Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурлар самарасида сил касаллиги профилактикаси, диагностикаси ва даволаш ишларида изчил ривожланиш кузатилмоқда. Ўзбекистондаги қатор тиббий муассасалар, хусусан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлдим. У ердаги замонавий тиббиёт техника ва технологиялари, мутахассисларнинг юқори малакаси менда катта таасурот қолдирди. Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам эришилаётган ютуқлар эътиборга лойиқ.

Анжуманда фтизиатрия ва пулмонологияда қўлланилаётган замонавий технологиялар ва ўқув дастурлари, силнинг дориларга чидамли шаклларини аниқлаш ва даволаш билан боғлиқ илмий изланишлар натижалари, диагностика ва даволашга янгича ёндашувлар, торакал жарроҳликнинг замонавий йўналишлари каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди, маҳорат дарслари ўтказилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

НАВОИЙ

Навоий Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 200 дан зиёд корхона 1000 турдан ошиқ маҳсулотлари билан қатнашди.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Вилоятда ишлаб чиқарилган 63 турдаги янги маҳсулот илк бор кўргазмага қўйилди. Шунингдек, кооперация биржасида Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё ҳамда Хоразм вилоятларининг саноат соҳаси вакиллари ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказишди.

Кўргазмада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида буюртмалар портфелини шакллантириш, маҳсулотларни етказиб бериш бўйича турли ташкилотлар билан тендерсиз ўзаро манфаатли шартномалар тузишга замин яратилди. Натижада 350 дан зиёд, қарийб 27 млрд. сўмлик шартномалар имзоланишига эришилди.

Мафтуна ИДИЕВА

БУХОРО

Бухоро давлат университетининг 2-ўқув биноси янгича қиёфа касб этди. Эндиликда бу ерда табиий фанлар ва ижтимоий-иқтисодий факультетларида таҳсил олаётган 1700 нафар талабага янада қулай имкониятлар яратилди.

ТАЛАБАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Буни бўлажак ёш мутахассислар истиқболи учун таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин ифодаси, дейиш мумкин.

Лойиҳа қиймати 6 млрд. 70 млн. сўмни ташкил этган бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши натижасида салкам 45 йил илгари фойдаланишга топширилган бинонинг ички ва ташқи қисмлари тубдан янгиланди. Ҳар жиҳатдан давлат таълим стандартларига жавоб берадиган ўқув-машғулотлар хоналари янги мебел жиҳозлари билан таъминланди.

Талабаларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик таълимни ахборот ва илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб боришда юқори самара бериши шубҳасиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

МУРУВВАТ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Саломатлик" поезди бу гал Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига йўл олди.

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ

яна манзиллар сари



Мазкур сафар «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ чекка ҳудудлар ва бориш қийин бўлган туманлар аҳолисини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга манзилли мурувват кўмагини бериш, экологик ноқулай ҳудудлар аҳолисига, айниқса, ёши улуғ кекса онахон-отахонларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

— 5-13 май кунлари "Саломатлик" поезди таркибидаги малакали шифокорлар Фоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудий бўлимларидаги кўчма тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси билан бирга аҳоли, жумладан, нуронийлар, ногирон болалар, кўп фарзандли, эҳтиёжманд оилаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишади, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббосжон Эргашев. — Хайрия акцияси давомида аҳолига ва даволаш профилактика муассасаларига умумий қиймати 1 млрд. сўмлик инсонпарварлик юкларидан иборат мурувват ёрдамлари етказиб берилади. Поездда тиббий кўрикларни юқори савияда ташкил этиш, замонавий тиббий-диагностика воситалари ёрдамида касалликка аниқ ташхис қўйиш, хасталикни эрта босқичларда аниқлаш ва соғломлаштириш имконияти мавжуд.

Акция доирасида "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйлари, даволаш-профилактика муассасалари, туғруқ комплекслари, имконияти чекланган болалар мактаб-интернатларига тиббий анжомлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа жиҳозлар топшириш ҳам режалаштирилган.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

ҒАФБАТ

ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР РЎЁБИ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси аёлларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, касб ўрганиши, шу орқали оила даромадини юксалтириши, мамлакат иқтисодиёти ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши йўлида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, ўз атрофига 12000 дан зиёд тадбиркорлик субъектини бирлаштирган "Тадбиркор аёл" ассоциацияси билан "Коллеж битирувчи қизларини устоз-шогирд анъанаси асосида ўқитиш" ҳамда "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш" каби бир қатор лойиҳалар ҳар жиҳатдан ўзини оқлаётир.

Ўтган йилда хотин-қизларга 1 триллион сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиси бўлган ёшларнинг 85 фоизи ишга жойлаштирилди. Битирувчилар орасидан тадбиркорликка интилаётган йигит-қизларга 170 миллиард 700 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан 59,8 млрд. сўми айнан қизларнинг тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилгани эътиборга молик.

Куни кеча Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ғолибларининг ижтимоий аҳамиятга молик 14 та бизнес лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда лойиҳани амалга оширишнинг бугунги ҳолати, яъни кредитлар ажратиш, бино билан таъминлаш, тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш, лойиҳаларнинг оддий аёллар ҳаёт тарзи фаровонлашуви, оғирини енгил қилиши каби масалалар ечимига қаратилиши муҳокама этилди.

— Ота-боболарим деҳқон ўтган, — дейди Қувасой тумани Арфит қишлоғилик Фотима Акромова. — Кўп йиллар ўқитувчилик қилиб, нафақага чиқдим. Ғайратим, қизиқишим устунлик қилдими, ташландиқ ерни олиб, ишлов бердим. Турмуш ўртоғим, 6 нафар фарзандим менга кўмакчи бўлди. Ўтган йили ўтказилган "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" кўрик-танловида иштирок этиб, 30 миллионлик имтиёзли кредит соҳибасига айландим. Ўз бизнесимизни йўлга қўйишимизда ёрдам берган барча-барчага миннатдорлик билдираман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
"Ishonch" мухбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

КЕКСАЛАРИ АРДОҚЛАНГАН АРДОҚЛИ ЮРТ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 1999 йилдан буён Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонлаб келинмоқда. Мустақиллик йилларида диёримизда инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида қадр топиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларга эъзоз кўрсатиш, кексаларни қадрлаш ҳамда ўтганларни хотирлаш, уларнинг хайрли ишларини ёд этиб, эҳтиром кўрсатиш ишлари ибратли анъанага айланди.

Мазкур йўналишдаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мамлакат миқёсида "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси ўтказилмоқда. Акция доирасида барча меҳнат жамоаларида "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 мартдаги "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 3 мингдан ортиқ фахрийларнинг ҳар бирига манзилли ёрдам кўрсатилди.

— Жаннатмонанд юртдагина мана шундай меҳр-оқибат оғушида яшаш мумкин, — дейди Тошкент шаҳрининг Миробод туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хазир Эргашев. — Давлат ва нодавлат ташкилотлари совға-саломлар билан йўқлаб келишаяпти. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳам пул мукофоти берилди. Бундай эътибор кўнгилни кўтариш билан бирга, кишини яшартиради ҳам. Бизни қадрлаган, эзгу ишга қўл урганлар асло кам бўлмасин. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин.

Шунингдек, тизимдаги санаторийларга 100 нафарга яқин уруш ва меҳнат фронти фахрийсига, 34 нафар ишлайдиган пенсионерларга бепул, 121 нафар меҳнат фахрийларига фарзандларининг иш жойидан имтиёзли йўлланмалар тақдим этилди. Ҳозирда касаба уюшма тизимидаги санаторийлар томонидан мазкур сиҳатгоҳлар жойлашган ҳудудлардаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, амбулатор даволаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 700 нафардан ортиқ кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди.

(Давоми 2-саҳифада).

2015-yil 7-may, payshanba, № 57 (3562), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА
ҳисобот-сайловлар йили

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмалари Уставларида касаба уюшма ташкилотларида ҳар 5 йилда бир марта ҳисобот-сайловлар ўтказилиши, касаба уюшма органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз-ўзидан ушбу муҳим тадбирни юқори даражада ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Айнан шунга кўра, жорий йилнинг дастлабки давридан Андижон вилоятида тармоқ Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, туман, шаҳар кенгашлари раислари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида "Тармоқ касаба уюшмалари бошланғич, туман, шаҳар ва вилоят ташкилотларининг раислари учун ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича ўқув-семинарлари ўтказиш дастури ҳамда жадвали" ишлаб чиқилди. Шу асосда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари раислари учун навбатдаги ўқув-семинар ўтказилди.

Жорий йил май ойида ўтказилиши белгиланган тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференцияларига жиддий тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишларига касаба уюшма фаолларини кенг жалб этиш, конференцияларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва юқори касаба уюшма органлари қарорларига риоя этган ҳолда ўтказиш ҳамда ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш тўғрисида ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Равшанбек Самарбековнинг маърузаси тингланди. Мунозараларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда, ошкоралик, демократик принциплардан оғишмаган ҳолда ўтказиш, тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар ташкилотларига ишчан, ғайратли, тармоқ ходимларини, меҳнат шароитининг ҳар томонлама қулайлиги учун жавобгарликни дилдан ҳис қиладиган, уларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини доимий назорат қила оладиган кишилар сайланишига қулай муҳит яратиш, бу ишда "хўжакўрсинга"ликдан қочиш лозимлиги ҳақида кўплаб фикр билдирилди.

Шунингдек, семинарда ҳисобот-сайлов конференцияларини ташкил этиш, конференцияларда туман, шаҳар ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил қилиниши, касаба уюшмаси аъзолари билан биргаликда келгусида бошланғич ташкилотнинг фаолиятини янада кучайтириш ва такомиллаштириш борасида яқин йилларга мўлжалланган устувор вазифалар белгиланиши тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар ташкилотлари раҳбарларига ҳисобот-сайлов ўтказиш учун керакли қўлланмаларнинг электрон варианти тайёрланиб, шу жойнинг ўзида тарқатилди.

— Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрихон туман кенгаши раиси лавозимида ишлайман, — дейди семинар иштирокчиси Дилшодбек Шамсиддинов. — Семинарда нафақат ҳисобот-сайлов конференциясини қонуний тартибда ўтказиш, балки ҳужжатлар билан ишлашда хатоларга йўл қўймаслик масалалари юзасидан жиддий тушунтиришлар берилди. Бундай тадбирлар тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар ташкилотларининг фаолиятини тартибга солиш, ривожлантиришда асқатиши, шубҳасиз.

Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

Инсоний қадриятлар ҳақида гап кетганда, биринчи ўринда, ишчи-хизматчилар номидан гапирадиган, уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритадиган жамоат ташкилоти ҳамда унинг раиси кўз олдимизда гавдаланади. Хўш, у меҳнаткашларни қай даражада қўллаб-қувватлади? Ёрдамга муҳтож бўлиб мурожаат қилган ходим ҳуқуқи тегишли даражада ҳимоя қилиндими? Жорий йил касаба уюшма ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида айнан шу каби саволларга аниқлик киритилиб, вакиллар фаолиятига баҳо берилмоқда.

ТИЗИМДАГИ ТАКОМИЛЛАШУВ

вазифаларга аниқлик киритиб, мақсадни яқин қилди

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида касаба уюшма қўмитасининг беш йиллик фаолияти кенг муҳокама қилинди.

Бошланғич ташкилот раиси ушбу даврда жамоа шартномасининг ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга бағишланган бўлимидаги бандлар тўлиқ бажарилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, қўмита ташаббуси билан жамоа шартномасига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар натижасида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2010 йилдаги 8.3 млн. сўмдан фарқли ўлароқ, ўтган йилда 18.2 млн. сўмга етказилди.

— Тизимдаги такомиллашув натижасида ортиқча қоғозбозликдан халос бўлиш билан бирга, маблағимизни ҳам тежаш имконига эга бўлдик. Очиғи, ўтказилган ислоҳотлар вазифаларимизга аниқлик киритиб, мақсадимизни яқин қилди, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Нилуфар Султонова.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қоладиган маблағ 60 фоизга, ижтимоий иншоотларига эга корхона ва ташкилотларда эса 70 фоизга ортди. Илгари ишчилар беш йилда бир марта имтиёзли йўлланма олган бўлса, эндиликда икки йилда бир марта ўзи ёки хоҳишига кўра, оила аъзоларидан бири бу имкониятдан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, "Баланс комиссиялари" ўрнига бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш тизимининг жорий этилиши айни муддао бўлди.

Мазкур жамоада 51 нафар ходим меҳнат қилади. Ҳисобот даврида аъзоларга муносиб меҳнат шароити яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишхонадаги барча хоналар таъмирдан чиқарилди. Ходимларнинг иш давомида фойдаланадиган барча жиҳозлари — стол, стул, компютер жамланмаси ва бошқа зарур иш қуроллари янгилари билан алмаштирилди.

Ҳисобот давридаги жамоа шартномалари аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофазалашга доир бандлар билан тўлдирилгани фаолият йўналишини янада бойитди. Меъёрий ҳужжатга Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган Конвенциялари киритилганлиги эса ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш, иш ҳақи тўлашда қатор имтиёзларни назарда тутади.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида спартакиада ташкил этиш яхши анъанага айланган. Унда 2011 йилда ушбу муассасада ташкил этилган "Замин" мини футбол жамоаси давлат қўмитаси тасарруфидаги еттита ташкилотнинг футбол жамоалари билан куч синашади. Шунингдек, ҳар йил 8 декабр арафасида "Сиз конституциямизни биласизми?" мавзусида тадбир ташкил этилиб, Бош Қомусимизнинг мазмунмоҳияти мутахассислар томонидан чуқур таҳлил қилинади.

Маънавият соатлари ойда камида уч марта ташкил этилаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар шарҳи, таниқли жамоат ва санъат намояндалари, Ўзбекистон қаҳрамонлари билан учрашувлар иштирокчиларга манзур бўлаётир.

Бошланғич ташкилот ва тафтиш комиссияси раисларининг ҳисоботларидан сўнг иштирокчилар ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
"Ishonch" мухбири

Улуғлар дуоси —

Кексалари ардоқланган ардоқли юрт

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

"Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида жорий йилнинг 29 апрелидан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларидан 70 нафари тизимдаги "Ботаника", "Бўстон", "Абу Али ибн Сино" ва "Ситораи Моҳи Хоса" санаторийларида бепул соғломлаштирилмоқда.

Байрам муносабати билан "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиниб, улар учун маданий тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, касаба уюшмаларининг ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда. Чунончи, акция доирасида Оҳангарон шаҳридаги "Саховат уйи"га ташриф буюрилиб, маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Бу ерда яшовчи кексалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. 2 млн. сўмликдан ортиқ маиший жиҳозлар топширилди.

— Нуронийларимизнинг яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида 4 та ётоқ биноси, ошхона, ўтиш галереясида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Тумандаги касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан иборат "Гамхўрлик" гуруҳлари томонидан концерт дастури, шеърият кечаси ва давра суҳбатлари ўтказилаётир, — деди "Саховат уйи" директори Шерали Аманов. — Шунингдек, ижтимоий шериклик доирасида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари доимий ёрдам кўрсатмоқда. Кези келганда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари ҳар бир байрам арафасида муассасамизга келиб, отахон ва онахонларнинг ҳолидан хабар олиши аньана тусини олганини таъкидлашни истардим. Бугунги тадбирда ҳам улар васийликка олинганлар кўнглини кўтаришди.

— Кўп йиллардан буён шу ердаман. Шароитлар яхши. Сал тобимиз қочиб

қолса, атрофимизда парвона бўлишади, — деди Арофат Канзафарова. — Ижозатингиз билан меҳридарё инсонларга самимий миннатдорлигимни қуйидаги сатрларим орқали изҳор этсам:

Дуо сизни асрасин,
Ҳар сўзингиз минг ҳикмат.
Хизматдасиз туну кун,
Бўлинг доим саломат.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ва Оҳангарон туман Маданият уйи ижодкор ёшлари, "Қалдирғоч", "Байрам" жамоаларининг куй-қўшиқ, дилрабо рақслари тадбирга ўзгача файз киритди.

Таъкидлаш зарурки, бугунги кунда меҳнат жамоаларида "Тарихсиз келажак йўқ", "Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг иштироки", "9 май — Хотира ва қадрлаш куни" мавзуларида Маънавият соатлари тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ташкил этилаётган "Эъзоз", "Авлодлар учрашуви", "Эҳтиром", "Фахрийлар — фахримиз" мавзуларидаги маънавий-маърифий тадбир, давра суҳбати ва учрашувларда ёш авлод қалбига бугунги дориламон кунларга шукроналик туйғуси сингдирилмоқда.

"Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида ўз хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган 232 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиб, манзилли ёрдам кўрсатилди.

Акциядан кўзланган мақсад — эл-юртнинг тинчлиги, эрки ва озодлиги учун курашган Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, Ватанимиз истиқлолини, турмушимиз ободлигини, халқимизнинг осойишталигини, фаровон ҳаётини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларни хотирлашдир.

"Касаба уюшмалари — фахрийларга" анъанавий акцияси барча ҳудудларда давом этмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Элмурод УМАРБОЕВ олган сурат

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейида Тошкент молий институти қошидаги Молия академик лицейи томонидан Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Дориламон кунлар шукуҳи

Тадбирда Иккинчи жаҳон урушида аждодларимиз кўрсатган жасорат, бугунги дориламон кунлар шукронаси ҳақида сўз борди.

— Кексаларни эъзозлаш, ўтганларни хотирлаш ўзбек халқига хос фазилатлардан бири, — деди академик лицейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ғ.Эргашев. — Истагим, хотира ва қадр туйғуси қалбимизни асло тарк этмасин. Юрт фаровонлиги, халқимиз бахту саодати йўлида амалга оширилаётган ишлар нуронийларимиз дуоси билан бардавом бўлаверсин.

Ватан озодлиги, осмонимиз мусаффолиги ва халқимизнинг осуда ҳаётини тараннум этувчи турфа маданий чиқишлар барчага манзур бўлди.

Зилола ЭШМАНОВА,
Тошкент молия институти қошидаги Молия академик лицейи ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири

Иккинчи жаҳон урушида Асакалик Жума Сидиқов иштирок этиб, қалбида ўчмас жароҳатлар билан қайтган инсонлардан бири эди. У 1909 йил Андижоннинг Қадим қишлоғида туғилган.

Жума бобо сабоқлари

У киши билан бир неча бор суҳбатлашганман. Фикрининг тиниқлиги, хотирасининг мустаҳкамлигини кўриб, қойил қолганман. Кейинчалик, Жума ота ҳақида ёзишни мақсад қилдим. Лекин ҳужжатлар ҳадеганда топилавермади.

Яқинда Жума отанинг ички ишлар идораларида ишлаётган набираси Яшнар Раимжонов қўнғироқ қилиб, изланаётган нишонлар ва ҳужжатларни Андижон вилоят музейидан топгани, улар бус-бутун сақлангани тўғрисидаги хушхабарни етказди.

Ҳужжатларда Жума Сидиқов 1940 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факултетини битиргани, уруш бошлангунга қадар Асака туман газетаси муҳаррири бўлгани қайт этилган. Ўттиз уч ёшида урушга жўнаган Жума Сидиқов 1942 йил 4 декабрда Великие Луки шаҳри остоналарида жангга кирди...

Унинг кундаликларида қуйидаги сўзлар бор:

"Қаҳратон қиш, изғирин, совуқ ва шамолдан тиш-тишга тегмай тақиллайди. Атрофда юзлаб, минглаб кули кўкка совурилган қишлоқлар ва шаҳарлар, портлаб мажақланган танклар, тўплар, машиналар, арава қолдиқлари, самолёт ва тўплардан ёғилаётган ажал уруғи, портлашлар, ёнғинлар, ер тишлаб ётган отлар этни жўнжиктиради.

Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетади, лекин барибир, уруш муаммоларига бориб тақалади. Ротада ҳар куни 4-5 жангчи сафдан чиқади. Ўн кунда қирқ-элликта фаол куролбардордан ажраламиз.

Даҳшатлиси — жанг, одам ўлдириш оддий ҳунар бўлиб қолган уруш майдони. Тирик одам бу манзарага лоқайд, бефарқ қаролмайди. Сесканади, аъзои бадани қалтирайди, жони бўғзига бориб тақалади.

Уруш етказган қирғиннинг ҳажмини аниқ ҳисоб-китоб қилиш амримаҳол. Жанг-жадаллар тугаб, ҳалок бўлган минглаб аскарларнинг мурдасини судраб жарликлар, чуқурликлар устидан апил-тапил тупроқ тортиб кўмиб ташлардик. Қанча фидойи ўтда ёниб, суяги ҳам қолмаган; дарёлар, денгизлар чўкиб балиқларга ем бўлган, Германияда ном-нишонсиз кетганларнинг ҳам сони бор, саноғи номаълум. Уларнинг ҳужжатларини текшириш, расмийлаштиришга вақт бўлмасди. Урушнинг ёзилмаган қоидаларини ўзгартириш ҳеч қайси генерал ёки маршалнинг қўлидан келмайди.

Бедарак кетган ёки номи чорак бет "қорахат"га алмашилган норғул йигитларни онаси, отасидан бошқа ҳеч ким изламади. Асакамизнинг ўзидан мингдан ортиқ аскар урушга борган. Қанчаси келмагани, улар совуқ ўлкаларнинг қайси бурчагида ётганини ҳеч ким суриштирмади. Ҳокини келтириб, онасига топширмади. Шуниси алам қилади. Ёлғон кинолар ва китоблар қирғинбарот урушнинг асл моҳиятини очиб беролмайди.

Урушнинг номи ўчсин!

Жума Сидиқов Ватанимиз тарихини, адабиётни, санъатни севарди. Минглаб эртаклар, чистонлар ва халқ қўшиқларини биларди. Унинг турмушимиз ҳақидаги ўткир сюжетли мақолалари матбуот саҳифаларини безарди.

Урушдан сўнг Бешариқ туман "2-Машинатрактор" станцияси, Фарғона вилоятининг матбуот бўйича йўриқчиси, Марҳамат ва Чинобод туманларида масъул лавозимларда ишлади. 1956 йилдан бошлаб ўзининг севимли касбига қайтиб, Асака туманидаги қатор мактабларда директор, тарих ўқитувчиси бўлиб ишлади. Касаба уюшмасини бошқарди.

Унинг фарзандлари — Эркин, Моҳир, Сардорбек, Шоҳиста, Судоба, Баҳодир, Бахтиёр зиёли, элнинг корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишди.

Қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи, кўп йиллар мобайнида ёш авлод вакилларига таълим берган Ситорахон ая шундай дейди:

— Аллоҳга минг қатла шукрки, Мустақиллигимиз туфайли ҳар йили умр йўлдошимни хотирлаб, вилоят ва туман ҳокимияти, касаба уюшмалари, "Нуроний" жамғармасидан келиб, ҳолимиздан хабар олиб туришади. Бундай ташрифлар истиқлолимиз, тинчлик ва хотиржамлик туфайли. Айниқса, 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши иззатимизни янада ошириб юборди.

Турмуш ўртоғим қишлоқ мактабларининг вайрона аҳволидан, ўқувчиларнинг муносиб кийим-кечак ва ўқув куроллари билан етарли даражада таъминланмаганидан куйинар, бу масалаларни ечишга ҳарчанд уринса ҳам, кўпинча тўрачиликка муккасидан кетган амалдорларга, лоқайд инсонларга дуч келар, бундан азият чекарди.

Тинч-осойишта, инсон қадри баланд бўлган бугунги кунлар ўз-ўзидан келмаган, Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати самараси бу. Тақдиримдан миннатдорман, шундай фаровон кунларни кўриш насиб этди.

Домла Жума Сидиқов Мустақиллигимизнинг ёруғ кунларини кўрмади. Бироқ бизнинг миннатдор халқимиз ўз қаҳрамонларини унутмайди.

Халқ бошига беқиёс кулфат ва улкан фожиа келтирадиган урушнинг олдини олишнинг ягона йўли эса, бу — обод ва озод мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, ана шу тинчлик йўлида хизмат қилишдир.

Муҳиддин ПОЛВОН,
журналист

Эъзозу эҳтиромда

Хотира ва қадрлаш куни арафасида мамлакатимиз касаба уюшмалари, хусусан, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан хайрли ишлар амалга ошириляпти.

— Вилоятимизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофотлари топширилмоқда, — дейди бирлашма масъул ходими Икром Худойбердиев. — Қаерда бўлмайлик, фахрийлар қувончидан кўнглимиз ёришмоқда.

— Яқинда вилоят ҳокими "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва пул мукофоти топширди. Энди касаба уюшмалари совғасини олдик. Ҳар байрам олдидан ўнлаб ташкилотлар келиб, ҳолимиздан хабар олиб кетади. Илоҳим, халқимиздан меҳр-оқибат, аҳиллик кўтарилмасин, — дейди Гулистон шаҳар "Навбаҳор" маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қаршибой бобо Сатторов.

Шунингдек, "Касаба уюшмалари — ҳарбийларга" акцияси доирасида хизмат вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларидан хабар олиш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

— Байрам арафасида вилоятимиздаги ҳар бир меҳнат жамоасида "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида тадбирлар ўтказилаётир, — дейди бирлашма маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Х.Аминов. — Ушбу тадбирлар доирасида ташкил этилаётган авлодлар учрашуви ёшларимизда миллий ғурур ва ўзликни англаш ҳиссини шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш, нуронийларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш мақсадида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилоят масъул ташкилотчиси ташаббуси билан уюштирилган "Эъзоз" тадбирига кўп йиллар давлат муассасаларида меҳнат қилган фаол онахонлар таклиф қилинди.

Тадбир Урганч шаҳридаги бунёдкорлик мажмуаларига саёҳатдан бошланди. Онахонлар вилоят маркази қиёфаси кундан-кунга чирой очаётганлигидан қувончларини яширолмай, эзгу ишларни амалга ошираётганларни дуо қилди.

Урганчдаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси олдида улар гулдасталар билан кутиб олинди. Юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб, эндиликда эл қайвониси деган шарафли номга сазовор бўлган фахрийларимиз Урганч туманидан Гавҳар Шарипова, Гурлан туманидан Раъно Ибрагимова, Шовот туманидан Сарабиби Ражабова мустақиллик неъматларига шукрона айтиб ўзларининг ҳаёт йўли, миллий қадриятларимиз ва бугунги тадбирдан олган таассуротлари тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

Фахрийларга касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Фармонбек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

2015-yil 7-may, payshanba, № 57 (3562), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Эл муддаоси

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурига мувофиқ уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган акцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ўттиз нафар фахрий "Зомин" сиҳатгоҳида тантанали кутиб олинди.

Фахрийлар мамнун

Фахрийларни соғломлаштириш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, психологик муолажалар ўтказиш баробарида даволашнинг янги технологиялари — азонотерапия, рефлексотерапия, психотерапия, спелиотерапия СПА салонларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

— Пурвиқор тоғ бағрида, денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда жойлашган "Зомин" сиҳатгоҳи бетакрор табиати, ям-яшил арчазорлари, шифобахш ҳавоси, минг дардга даво ўсимликлари билан мени мафтун этди, — дейди хоразмлик онахон Ойманжон Қурязова. — Касаба уюшмаларининг ёрдами билан имтиёзли йўлланма олдим. Бу ерда биз кексалар учун яратилган шароит, шифокору ҳамшираларнинг муомаласидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Қўқонлик етмиш олти ёшли адиб Ҳамидулла Абдуллаевни ҳам шу ерда учратдик. Унинг "Тақдир изиробларн", "Номукаммал олам", "Худоёрхон", "Мавлоно Завқий" сингари йигирмадан ортиқ бадиий-ҳужжатли, тарихий асарлари ўқувчиларга яхши таниш.

— Тарихчилар таърифича, Зомининг ёши 2323 йилга тенг. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний тилида ҳам Зомин номи бир неча бор жаранглаган. Унинг йирик астрономик асари — "Қонуний Маъсудий"да Зомин бешинчи иқлим шаҳарлари қаторида

кўрсатилади, — дейди Ҳ.Абдуллаев. — Кўплаб сиҳатгоҳларда бўлганман. Лекин бу гўшанинг таровати ўзгача.

Бешинчи қават бекаси Хурсаной Шайманова ҳамроҳлигида 531-хонада яшовчи навоийлик 82 ёшли отахон Карим Жўрақулов билан учрашдик.

Карим ота умри давомида Хатирчи туманининг қишлоқ хўжалиги юксалишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшганлардан бири. Ўн нафар фарзанднинг меҳрибон отаси бугун юзга яқин невара-чеваралар оғушида ўзини бахтиёр бобо ҳисоблайди.

Ўзини Раҳима Фозилова дея таништирган онахон Қаршидан келиб-ди. Суҳбат асноси узоқ йиллар тумандаги 4-умумтаълим мактабида касабақўм раиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаганини билиб олдик.

— Ушбу сиҳатгоҳга биринчи бор келишим, — дейди Р.Фозилова. — Ўттиз беш йил бир жойда фаолият кўрсатганим учун йўлланмани бепул беришди. Врач Маматқул Орипов, ҳамширалар — Шоҳиста Каримова, Басима Эрманова, Зилола Атабаевалар хизматидан мамнунман.

Самарқандлик Яхшигул Муҳаммадиева Зомин шаҳрининг истиқлол йилларида тубдан ўзгаргани ҳақида тўлқинланиб сўзлайди:

— Куни кеча Зомин шаҳри бўйлаб қилган саёҳатимиз менда катта таассурот қолдирди. Замонавий биноларнинг шаклу шамойили мафтун этди.

Сиҳатгоҳда дам олувчилар, одатга кўра, "Бобоёнғоқ", "Шербулоқ", "Минг йиллик арча" каби тоғ ҳудудларига саёҳатга олиб чиқилади.

Ҳозиргача сиҳатгоҳ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида "Сизнинг ҳаёт йўлингиз биз учун ибрат" мавзуида маънавият соати, шеърият кечалари ўтказилди. Хонанда Фаррухон Усмоновнинг концерти намойиш этилди. Нуронийлар ўртасида шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари бўлиб ўтди.

Ошхона зали мудири Турдиали Оқиловнинг таъкидлашича, олти юз ўринли бежирим ва шинам ошхонада фахрийларга алоҳида "парҳез таомлари" столи ташкил этилган. Нуронийларга Ҳасан Тоғаев, Жамшид Оқилов сингари моҳир ошпазлар намунали хизмат кўрсатишади. Овқат сифати парҳез ҳамшираси Муҳаббат Қурбонованинг доимий назоратида.

Бир сўз билан айтганда, "Зомин" сиҳатгоҳида соғлигини тиклаётган нуронийлар эъзозу эътибордан мамнун.

Абдуманнон АЗИМОВ,
"Ishonch" мухбири

Элёр АЗИМОВ олган сурат.

Нуронийлар илҳоми



Асад Асил
1941 йил Тошкент вилоятининг Хондайлиқ қишлоғида - гўзал тоғлар бағрида таваллуд топган. "Лочин", "Қувонч", "Тоғликлар", "Чироғим, мен —Сидқийман, Хандақлиқийман" каби ўнга яқин насрий китоблар муаллифи "Шарқ юлдузи" ва "Гулистон" журналларида бўлим мудири, масъул котиб вазифаларида ишлаган. Айни пайтда жонажон Оқтош ҳудуди - она қишлоғида боғ яратиш ва ижод билан машғул. Баъзида шеърий ашъорлар ҳам битади...

ОНАМ СУРАТИ

Онажонимнинг исми Зебунисо эди. Агар ҳаёт бўлганларида бу йил юз ёшни қаршиларди. На илож, умрининг қирқ иккинчи баҳорида бешафқат ўлим орамиздан олиб кетган волидамнинг суратини топиб катталаштирдик, хонамиз турига илиб қўйдик...

...Энди бу хонада бўлмас ҳунукиш:
Айш-ишрат, ғийбатга ботиш, сўкиниш...

Тийиқсиз хаёллар бўлмас саркор,
Ном-нишонсиз кетсин беибо ҳавас...
"Чаккиқадам босма, болам, базиҳўр",
Эшитилар аста шивирлаган сас...

Бу хонада энди тараладинур,
Файзи ҳам ўзгача, фариштаси ҳам.
Гоҳ маҳзунлик, гоҳо балқийди сурур,
Бир томондан қалбинқиймалар алам!

Аламки, кунутунқулоқларидинг...
Кўраверарэканўлмаганодам.
Ана, маъюс боқар, болаларининг
Орзу-ҳавасига етмаганонам!.

Кенг олам менучунмудомтанг тор,
Борлиғимзирқирар, кўзларимдаёш...
Онамюпанчигаинтиқмантакрор,
Тангрим, ўзингқўлла, берўзингбардош!

Маҳзун, мунисгинатурибсизқараб,
Армонликетганим, менингазизим!
Теваракимбўйлабучиб, чирқираб
Юрганруҳингизгақиламантаъзим!

Яхшимурод Бозоров 1923 йилнинг баҳорида Бойсун туманидаги Панжоб қишлоғида туғилган. Бобонинг айтишича, болалигида тақдир уни кўп сийламади. Отадан эрта ажради. Рўзғорнинг юки акаси Ҳожибой ва унинг елкасига тушди. Ана шу оғир кунларда уруш бошланди. Биринчилардан бўлиб урушга жўнаган Ҳожибойдан ҳеч қанча вақт ўтмай "қорахат" келади.

Осуда ҳаёт қадри

Бу Яхшимуродннинг онаси Оғагул момо ва сингиллари Норасида, Гулбаҳор, Гулгун, Ойдина, укалари Рўзимурод ва Усмонга қаттиқ таъсир қилганди. Навбат Яхшимуродга келганда, онаси йиғлай-йиғлай дуо қилганча қолди. Берлингача борган Яхшимурод 1945 йилнинг 25 сентябрида ярадор ҳолатда урушдан қайтди. Онаси шунисига ҳам шукр қилди.

Яхшимурод урушдан сўнг Термиздаги машина-трактор паркида ишлади. Уйланди. Олти ойлик ҳайдовчилар тайёрлаш ўқувини тамомлади. Шундан сўнг 40 йил давомида Термиз шаҳридаги, "53-автобус-таксомотор" саройида ишлади. Шу ердан нафақага чиқди. Умр йўлдоши Ойбиби хола (Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин) билан 60 йил тотув яшади. Бир-биридан солиҳ саккиз фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Улар турли жабҳаларда баракали меҳнат қилишмоқда. Кексалик гаштини сураётган нуроний фарзандлари, 38 невара, 15 чевараси ардоғида.

Бобо узоқ йиллардан буён "Боғзор" маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан. Элнинг қувонч ва ташвишларини баҳам кўриш, зарур пайтда йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат беришда камарбаста. Меҳнат жамоаларида ўтказиладиган учрашув ва давра суҳбатларида қатнашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида аввало, юрт тинчлиги, осойишталиги сабаб бўлаётганлигини таъкидлашдан чарчамайди.

Бугун Яхшимурод бобо Бозоровнинг кўксини "Жасорат" медали (1994 йил), 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50, 60 ва 65 йиллиги ҳамда "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали безаб турибди. Отахоннинг саломатлигига масъуллик келини Саодатхоннинг зиммасида. Шу боис, бобо ҳамон тетик, бардам.

— Юртга хизмат — олий саодат билиб, ўзаро аҳл-иноқликда яшаш эзгу ишларга қанот бўлади. Мен бу сўзларни кунда бобомдан эшитаман, — дейди Саодатхон.

